

УДК. 330.81:342

**МИНТАҚА ТУРИЗМ ДЕСТИНАЦИЯЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ****Тураев Баходир Хатамович**¹ - иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
e-mail: profтураев@gmail.com**Атамуродов Улуғбек Низомқулович**¹ - докторант (PhD),
e-mail: uatamurodov296@gmail.com¹Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент ш., Ўзбекистон

Аннотация. Ушбу мақолада туризм дестинацияларини ривожлантиришида инфратузилмаси ташиқ этивчиларини бошқаришни мувофиқлаштиришининг назарий жиҳатлари ўрганилган ва дестинациялардаги инфратузилма ҳолати амалий тадқиқ қилинган. Таҳлил асосида туризм инфратузилмаси объектларини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибалар асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: туризм дестинациялари, туризм инфратузилмаси, дестинация сифати, баҳолаш мезонлари.

Abstract. This article discusses the theoretical issues of the development of destinations based on the management of infrastructure components. The tourist destinations and their infrastructure are investigated. Based on the analysis, recommendations are given to improve the quality of the infrastructure of tourist destinations using foreign experience.

Keywords: tourist destination, tourism infrastructure, quality of destinations, evaluation criteria.

Кириш. Ҳозирги иқтисодиёт шароитида дунё мамлакатларининг кўпчилиги туризм инфратузилмасини ривожлантириш орқали ўз миллий иқтисодиётини тараққий эттирмоқда. XX аср инсоният ҳаёти ва фаолияти тарзу тароватининг ҳамма соҳаларига улкан ўзгаришларни олиб келди. Бу ўзгаришлар фан ва илмий тадқиқотлар, техникани ривожлантириш, янги материаллар, технологиялар яратиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш соҳаларида ёрқин намоён бўлди. Бозор иқтисодиёти барча имкониятга дахлдор ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизациясининг ривожланиш йўлида муқаррар босиб ўтиладиган босқичдир. Бозор иқтисодиётининг чинакам охири мақсади аввало, инсонга муносиб яшаш шароитларини яратиш ва республикани маданият ва тараққиёт чўққиларига олиб чиқишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон фармонида туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилаётган омиллар кўрсатиб ўтилди ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланди.

Мамлакатимизнинг туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда ҳар қандай хорижий мамлакатдан қолишмайдиган имкониятларга эгаллиги, қадимий ва замон билан ҳамнафас тарзда барпо этилаётган иморатлар кишини жалб эта оладиган даражада бўла олиши бу борада кўплаб муваффақиятларга эришишимизни таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Бошқа иқтисодий тармоқларда бўлгани каби, туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизга ташриф буюрадиган туристларга хизмат кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган туризм саноатига эга мамлакат сифатида дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этишдир. Республикамиз туризмида халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини ривожлантиришнинг асосини туристик ташкилотлар, жойлаштириш воситалари ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш ташкил этади.

Асосий қисм. Туристтик тизимнинг асосий элементи туристларни жалб қилувчи ҳудуд бўлиб, улар ўз саёҳатларини амалга оширади ва маблағининг бир қисмини туризмга

сарфлайдилар. Ўзгача лойиҳалар асосида яратилган ва замонавий ва ўтмишни акс эттирувчи кўринишдаги яратувчанлик туризм соҳасидаги асосий эътибор саналади. Дестинация “Destination” тушунчаси лотинча “манзил” сўздан келиб чиққан бўлиб хорижий тадқиқотчилар ва туризм амалиётчилари концептуал аппаратининг асосий атамаларидан бири ҳисобланади. Рус фани ва амалиётида “манзил” тушунчаси нисбатан янги, аммо у тобора кўпроқ тан олинган ва фаол қўлланилиб келинаётган механизмдир (айниқса, туристик ҳудудларни иқтисод қилиш ва бошқаришда). Кенг тарқалганига қарамай, “манзил” тушунчасининг ўзи ҳеч қачон туристик адабиётларда алоҳида таҳлил предмети бўлмаган.

Шу билан бирга, ҳам фан, ҳам самарали бошқарув нуқтаи назаридан “мақсад” тушунчасининг ўзи табиати, тузилиши ва мазмунини таҳлил қилиш тубдан муҳимдир. Бу ерда туризмнинг энг машҳур ва нуфузли хорижий, рус тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган “мақсад” тушунчасининг баъзи бир таърифлари бор.

Туризмда манзил жойлар комбинацияси сифатида қабул қилинади, инфратузилма ва одамлар, лекин қандай қилиб бу компонентлар бир-бирига боғлиқ? Бирор манзилни муҳим туристик ресурсларга эга бўлган ҳудуд деб аташ мумкинми ёки бошқа зарур нарса борми? Агар маҳсулот сифатида бир мақсадни аниқлаш керак бўлса, мақсад маркетинг ва маҳсулот ва хизмат, маркетинг ўртасида фарқ бор. Кўпгина таърифлар бу саволларга жавоб бермайди.

Ушбу мақолага оид мавзунини ёритишда “Инфратузилма”, “Туристик инфратузилма” атамасининг маъноси акс эттирилган. Туристик инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган назарий фикрлардан фойдаланилган. Амалиётда қўлланилиши даражаси эса муаллифлар томонидан олинган олиб борилган тадқиқот натижалари асосида таҳлил қилинган. Бугунги кунда туризм юқори даромадли ва жадал ривожланаётганлиги сабабли ҳудудий иқтисодиётда ушбу соҳанинг ривожига катта аҳамият берилмоқда. Туристик инфратузилманинг аҳволини изчил ўрганишдан аввал, “туристик инфратузилма” тушунчасининг маъноси, аҳамияти, таркиби ва асосий элементларини англаб олишимиз зарур. “Туристик инфратузилма-маълум бир вақт ва жой оралиғида туристнинг турли туман истакларини сифатли тарзда муҳайё этишга қаратилган, турли моддий ва номоддий хусусиятларга эга бўлган объектлар йиғиндиси дир”.

“Туризм” ва “Турист” сўзлари илмий адабиётда XVIII аср охирларида пайдо бўлди. У французча “tour” — саёҳат сўздан келиб чиққан. Биринчи марта Буюк Британиядаги ёшлар континентга ўқишга кетган вақтидан бошлаб қўлланилган. Аниқроғи бундай саёҳат “grandtour” деб аталган, саёҳатчиларни сайёҳлар, деб аташган. Одатда, туристик дестинация деганда туристларга хизмат кўрсатиш учун қулай шароит яратилган туристик объект тушунилади ва бу туристик инфратузилма тушуучаси билан чамбарчас боғлиқ.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд шаҳрида жойлашган туристик дестинацияларнинг инфратузилмаси олинди. Бунда туризм инфратузилмаси объектлари сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятлари билан боғлиқ молиявий-иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат. Тадқиқотлар Самарқанд шаҳридаги туристик дестинацияларда олиб борилган. Бунда инфратузилмалар сифатини баҳолашнинг Буюк Британия тизимидан фойдаланилди. Тадқиқотнинг методи бир қанча услуб ва усуллар мажмуидан иборат. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон, тизимли ёндашув каби услублардан, натижа билан омилар ўртасидаги боғлиқликни ўрганишда молиявий-иқтисодий математик ва статистик усуллардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотлар Самарқанд вилоятида олиб борилган бўлиб, 2019 йилда ўтказилган. Самарқанд вилояти ҳудудида 1626 та археологик, 670 та меъморий, 37 та диққатга сазовор жой, 18 та монументал, 21 та мемориал моддий-маданий мерос объектлари мавжуд. Шундан сайёҳлар ташриф буюрадиган архитектура ёдгорликлари 473 та, археологик ёдгорликлар обидалари 5 та, монументал санъат ёдгорликлари 18 та, музейлар 8 та, давлат рўйхатидан ўтмаган музейлар 3 та, диққатга сазовор жойлар 37 та, зиёрат туризм объектлари 23 тани ташкил этади. Тадқиқотлар учун энг оммабоп 10 та туристик дестинация ажратиб олинди.

Самарқанд вилоятидан ўтувчи М 37-39 автомагистрал йўл бўйидаги ошхона ва ёқилғи қуйиш шаҳобчалари СГШ лар ҳолати бўйича мониторинг қилиниб, ошхона ва ёқилғи қуйиш шаҳобчалари раҳбарларига замонавий СГШ лар ўрнатилиши бўйича таклифлар бажарилди. Бундан ташқари, туристик дестинацияни манзилли таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳридаги Амир Темури зиёратгоҳида маҳаллий ва хорижий ногирони бўлган сайёҳларимиз, эркин ҳаракатланиши учун аравача йўлакчалар (пандус) қурилиб қулайликлар яратилди, шу қатори Регистон ансамблига ҳаракатланувчи аравача йўлакчалари ўрнатилди. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳридаги барча сайёҳлар ташриф буюрадиган зиёратгоҳларга маҳаллий ва хорижий сайёҳларимиз эркин ҳаракатланишлари учун аравача йўлакчалари (пандус) ўрнатилиши бўйича таклифлар берилди [6].

1-жадвал

Туристтик дестинациялар сифатини баҳолаш мезонлари

№	Бўлимлар	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Туристтик дестинациягача келиш етиб	- йўриқнома-буклет мазмуни; - йўл кўрсаткичлар; - объектнинг четдан кўриниши, ободонлашганлиги; - машиналар қўйиш жойи ҳолати.
2.	Дестинацияга кириш	- аниқ ва тушунарли кўрсаткичлар; - бино ёки иншоотнинг ташқи кўриниши; - ходимлар томонидан кутиб олиш сифати; - ходимларнинг ташқи кўриниши; - бино умумий тузилиши сифати; - тозалик ва саришталик.
3.	Объектнинг қилинганлиги намоён	- мазмуни намоён этиш даражаси; - мижозлар оқимини бошқариш даражаси; - мижозлар гуруҳига мослашиш даражаси; - ахборотларнинг етарлилиги ва хорижий тилларга тўғри таржима қилинганлиги; - персоналнинг муносабати; - ички лавҳалар; - тозалик ва орасталик.
4.	Овқатланиш	- мижозлар оқимини бошқариш имконияти; - меню тузилиши; - таомлар ассортименти ва хизматлар; - персонал муносабати; - муҳит ҳолати (сокин ёки шовқинли); - хоналарнинг безатилиши; - тозалик ва орасталик.
5.	Чакана савдо	- мижозлар оқимини бошқариш имконияти; - маҳсулотлар ассортиментининг мижозлар таркибига мослиги; - маҳсулотларни намоёиш этиш ҳолати; - персонал муносабати; - тозалик ва орасталик.
6.	Санитария шаҳобчалари гигиена	- жойлашиш ва жиҳозланиш қулайликлари; - сантехника ва ускуналар ҳолати ва сифати; - жиҳозланиш ҳолати; - хизмат кўрсатиш даражаси; - гигиена, тозалик ва орасталик даражаси.

Вилоятдаги барча маданий мерос объектларига олиб борувчи йўллар аҳволи ўрганилиб чиқилди. Бундан ташқари барча маданий мерос объектларига олиб борувчи 95 та йўл белгилар ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган йўл белгилари ўрнатилган. Барча шаҳар ва туманларимизга маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этиш мақсадида, маданий мерос объектларини акс этирувчи 23 та реклама баннерлари ўрнатилган.

Вилоятдаги энг кўп сайёҳ ташриф буюрадиган барча маданий мерос объектларида QR-код, 67 та Wi-Fi ўрнатилди, объектлар веб-сайтни шакллантириш, замонавий видео-кузатув тизими, Мобиль илова тизими, радио гид, ахборот олиш тизими ўзбек ва инглиз тилларида, ҳар бир бир обида кириш қисмида обида пеш тахтаси ўзбек ва инглиз ёзувли пеш тахталарни ўрнатилиши юзасидан таклифлар берилган.

Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган меҳмонларни катта қисми темир йўл вокзали орқали ташриф буюришини инobatга олган ҳолда кун давомида темир йўл вокзали олдидаги авторанспорт воситалари тирбандлиги кузатилади, айниқса поезд келиш ва кетиш вақтида тирбандлик кўпайиб кетмоқда, бу эса меҳмонларга ортиқча ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Шунини инobatга олган ҳолда темир йўл вокзали олдида автомобилларнинг айлама ҳаракатланиши учун, пиёдаларга мўлжалланган йўлни автотранспорт воситалари учун очиш режалаштирилган.

Самарқанд шаҳрига ташриф буюрадиган сайёҳлар оқимининг ортиб бориши натижасида сайёҳлар томонидан мурожаатлар ҳам ортиб бормоқда. Шунингдек сайёҳлар томонидан мурожаат қилиш учун вилоят ИИБни топиб бориш учун қийинчиликларга учрамоқда. Шунини инobatга олган ҳолда Регистон ва Ислоҳ Каримов кўчалари бўйлаб ҳамда бошқа тарихий обидаларга жами 15 та “SOS” тугма ўрнатиш орқали сайёҳларнинг мурожаатларини тезкорлик билан қабул қилиш ҳамда тезкорлик билан ёрдам кўрсатишга эришилади, бу эса ўз навбатида чет эллик ҳамда маҳаллий сайёҳларнинг Республикамизга бўлган ишончини оширишига ва кўпроқ сайёҳлар ташрифига сабаб бўлади [3].

Туристтик дестинацияларнинг сифатини аниқлашда Буюк Британияда туризм инфратузилмаси объектларини кўлланиладиган баҳолашнинг 5 балли сифатни таъминлаш схемасига асосланмик [1]. Унга кўра туристик дестинациялар 0 дан 5 балгача баҳоланади ва уларга юлдузлар бўйича даража берилади. Баҳолаш объектив кўрсаткичлар бўйича мустақил экспертлар томонидан амалга оширилади. Бунда туристик инфратузилма 6 та компонент бўйича 5 балли шкала асосида баҳоланиб, махсус баҳолаш варақаси юритилади. Жараён сўнгида баҳоловчи эксперт натижаларни туристик дестинация раҳбариятига тақдим этади. Бунда асосан 6 та бўлим асосида баҳолаш амалга оширилади (1-жадвал).

Юқорида келтирилган услубият асосида 10 туристик дестинациянинг инфратузилмаси баҳоланди ва уларнинг рейтинги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Туристтик дестинациялар инфратузилмасининг сифатини баҳолаш натижалари

№	Туристтик дестинация номи	Баҳоси	Рейтинги
1.	Регистон мажмуаси	5 (бебаҳо)	87%
2.	Амир Темур мажмуаси (Гўри Амир мақбараси)	4 (аъло)	81%
3.	Руҳобод мажмуаси	4 (аъло)	79%
4.	Бибихоним масжиди мажмуаси	4 (аъло)	80%
5.	Сарой Мулкхоним мақбараси	3 (жуда яхши)	75%
6.	Шоҳи Зинда мажмуаси	4 (аъло)	82%
7.	Ҳазрати Ҳизр масжиди	4 (аъло)	81%
8.	И.А.Каримов ёдгорлик комплекси	5 (бебаҳо)	90%
9.	М.Улуғбек расадхонаси	4 (аъло)	82%
10.	ХужаДониёр мақбараси	3 (жуда яхши)	75%

Хулоса. 1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги 450-сонли Қарори билан тасдиқланган Самарқанд шаҳри туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган манзилли дастурдаги тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш.

2) Туризм соҳасидаги тайёрланаётган кадрлар ҳам белгиланган стандартларга жавоб бермайди. Соҳа йўналиши бўйича институт ва коллежни битириб чиқаётган талабаларнинг деярли аксарияти чет тилини билмаслиги сабабли уларнинг мутахассислик бўйича ишга жойлашишларида бир қатор қийинчиликлар туғилмоқда. Туристтик субъектларнинг деярли 95 фоизи хусусий тадбиркордир. Улар томонидан чет тилини билмаган битирувчиларни ишга олиш масаласида эътирозлар билдирилмоқда [5].

Самарқанднинг туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, шу жумладан касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, ҳудуднинг туристик тармоғи ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида хорижий мутахассислар ва экспертларни кенг жалб қилган ҳолда туризм ташкилотлари ходимлари учун қисқа муддатли ўқув курслари, семинарлар ва маҳорат дарслари ўтказиш ва магистрал йўл ёқасидаги объектларнинг санитария-гигиена шаҳобчаларини замонавий талаблар асосида қуриш, таъмирлаш, жиҳозлаш юзасидан доимий мониторинг ўтказиб борадиган ишчи гуруҳни шакллантириш ва ижросини назорат қилиш.

Адабиётлар

1. Dwyer, L., Forsyth, P., Dwyer, W. (2010), *Tourism Economics and Policy*, Bristol, Buffalo, Toronto, Channel view publications.
2. Lohmann, G., Netto, A.P. (2017), *Tourism theory concepts, models and systems*, CABI, Oxfordshire.
3. Mera, K. (1973), "Regional production functions and social overhead capital: An analysis of the Japanese case", *Regional and Urban Economics*, Vol. 3, pp. 157-186. DOI: [https://doi.org/10.1016/0034-3331\(73\)90013-4](https://doi.org/10.1016/0034-3331(73)90013-4).
4. Sharpley, R. (2009), *Tourism development and the environment: Beyond Sustainability*, UK and USA: Earthscan.
5. Simmons, D., Moore, K. (2016), "Recreation", In: Jafari, J., Xiao, H. (eds.), *Encyclopaedia of Tourism*, Springer Reference, Switzerland, pp. 777-780.
6. Swarbrooke, J., Horner, S. (2001), *Business travel and tourism*, Butterworth-Heinemann, Jordan Hill, Oxford.
7. <http://www.tourism.uz>
8. <http://www.tour.uz>
9. <http://www.advantour.com/rus>
10. <http://www.tours.ru/country/uz>
11. <http://www.tours.ru/films/db/default.asp>
12. www.silktour.uz